


Занжирли тракторларни  
умумий динамикаси.

Занжир тасмали юриткич бир –бирлари билан туташган бўлаклардан, иккита йўналтирувчи ва иккита етакчи темир ғилдираклардан, таянч ва тутиб туриш катоклардан, амортизациялаш ва таранглаш қурилмаларидан иборат.

Одатда қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган занжир тасмали тракторларни етакчи юлдузчаси орқа томонда жойлашган бўлади (ДТ -75 М, Т-4А, Т-150).

Етакчи юлдузчага келтирилган буровчи момент урунма тортиш кучига айланитирилиб занжир тасмани ишчи қисмини юклантириб тракторда юритувчи куч ҳосил бўлади.

Занжир тасмали тракторни тиркама билан α бурчакли баландликка ўзгарувчан тезликда тўғри чизикли харакатланаётганида унга таъсир қилувчи куч ва моментлари таҳлил қилинади.



Занжир тасмали тракторга таъсир қилувчи күч ва моментлар.

- О.М –оғирлик марказ нүқтаси;
- $G$ ,  $G \cdot \sin\alpha$   $G \cdot \cos\alpha$  -тракторнинг оғирлиги ва унинг харакатланиш текислигига паралел ва перпендикуляр йўналган ташкил этувчи векторлари. Агар трактор горизонтал текисликда харакатланса оғирлик маркази нүқтасидан фақат  $G$  куч харакатланиш текислигига перпендикуляр таъсир қиласи;
- У –ернинг занжир тасмага босим маркази нүқтасидан таъсир қилувчи реакция кучи;
- Д-босим марказ нүқтаси;
- $P_k$  –харакатланиш текислигига паралел йўналган тракторни урунма юритувчи кучи. Бу куч биринчи узатмада катта, кейинги узатмаларда эса камайиб боради;
- $P_j$  –тракторни ўзгарувчан тезлик билан илгарилама харакатланаётган массаларни инерция кучлари. Агар трактор харакатланмаса ёки ўзгармас тезлик билан харакатланса бу кучнинг миқдори нолга teng бўлади,
- $\delta_{айл}$  –тракторни ўзгарувчан тезлик билан харакатланганида двигател ва трансмиссиянинг айланувчи массаларини шартли ортишини эътиборга оловчи коэффициент, одатда бу коэффициент  $\delta_{айл}=1,05...1,25$  га teng;
- $P_{ил}$  –илмоқдаги тортиш қаршилик кучи, агар машина тиркамасиз харакатланса бу кучнинг миқдори нолга teng бўлади;

- $P_f$  –тракторни харакатланишига қаршилик қилувчи куч, бу кучни микдори тракторнинг оғирлигига ва харакатланиш шароитига боғлиқ, тупроқ юмшоқ бўлса бу куч кўп, қаттиқ ерда эса бу куч кам микдорга эга бўлади;
- $P_w$  –тракторни олд қисмига таъсир қилувчи ҳаво қаршилик кучи, занжир тасмали тракторлар учун бу куч микдорини эътиборга олмаса ҳам бўлади;
- $M_{j\ddot{y}}$  ( $M_{j\text{дв}} + M_{j\text{т}} + M_{j\text{з}}$ ) –двигател, трансмиссия ва занжир тасмани айланувчи қисмларини урунма йигинди инерция моментлари, улар микдори нисбатан кам бўлганлиги сабабли хисобга олинмайди;
- $a, h$  –оғирлик марказ нуқтасининг харакатланиш текислигига горизонтал ва вертикал координаталари;
- $h_{\text{ил}}$  –илмоқдаги кучнинг ерга нисбатан баландлиги;
- $L$  –етакчи юлдузча ва йўналтирувчи ғилдирак орасидаги масофа (бўйлама база);
- $c_k$  –ярим бикр осмали тракторнинг етакчи юлдузчаси ўқидан занжир тасмани орқа қисмини ерга теккан нуқтасигача бўлган масофа, одатда  $c_k=0$  teng бўлади;
- $c_n$  –ярим бикр осмали тракторнинг етакчи юлдузчаси ўқидан занжир тасмани олд қисмини ерга теккан нуқтасигача бўлган масофа, одатда  $c_n=L$  teng бўлади;
- $l_k$  –балансир осмали тракторнинг етакчи юлдузча ўқидан орқа балансирни ўртасигача бўлган масофа, бу масофа ўзгармас бўлади;
- $l_n$  –балансир осмали тракторнинг етакчи юлдузча ўқидан олд балансирнинг ўртасигача бўлган масофа, бу масофа ҳам ўзгармас бўлади;
- $x_g$  –орқа юлдузча ўқидан босим маркази нуқтаси  $\Delta$  гача бўлган масофа. Бу масофа ўзгариши мумкин.

Занжир тасмали тракторларни ўзгарувчан тезлик билан баландликка а бурчак остида тиркама уланган холатда ҳаракатланса тортиш баланс тенгламаси қуидагида ёзилиши мүмкин:

$$P_k = P_{\text{ил}} + P_f \pm G \cdot \sin \alpha \pm P_j \cdot \delta_{\text{айл}}$$

Барча кучларни ҳаракатланиш текислигига проекциялаш тенгламасини шундай ёзиш мүмкин :

$$Y = G \cos \alpha + P_{\text{ил}} \cdot \tan \gamma \approx G \cdot \cos \alpha \approx \lambda \cdot G,$$

бунда  $P_{\text{ил}} \cdot \tan \gamma$  илмоқдаги тортиш кучини ҳаракатланиш текислигига перпендикуляр таъсир қиладиган ташкил этувчиси, занжир тасмали тракторлар учун  $\lambda=1$

Агар трактор горизонтал текисликда ҳаракатланса, яъни  $\alpha=0$  тенг бўлса унда  $\cos \alpha=1$  тенг бўлса, шунда  $Y=G$  тенг бўлади.

Тракторнинг ерга тенг таъсир этувчи кучларнинг босим маркази нуқтаси  $D$  дан, занжир тасмага ер томонидан таъсир қиласидиган У кучнинг етакчи юлдузча ўқигача бўлган масофа  $x_g$  нинг бошқа ўлчамлардан фарқи шуки, у қуйидаги кўрсаткичларга караб ўзгариши мумкин:

1. Харакатланиш текисликнинг баландлик  $\alpha$  бурчаги қанча каттароқ бўлса  $x_g$  масофа шунча кичик бўлади.
2. Илмокдаги тортиш кучи  $P_{\text{ил}}$  микдори ошган сари  $x_g$  масофа камаяди чунки  $D$  нуқта орқага қараб силжийди.
3. Инерция кучи  $P_j$  нинг ортиши ҳам бу масофани камайишига олиб келади.
4. Тиркалган қишлоқ хўжалик машинани тракторга улаш услугуга ҳам боғлиқ –осма, ярим осма, тиркамали.